

## ОГИЗ БҮШЛИГИ ГИГИЕНАСИ

Альзамова Зулфия Султанмурадовна  
тиббиёт фанлари номизоди, Алфраганус  
Университети катта ўқитувчиси

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада оғиз бүшлиги гигиенаси бүйича кенг маълумотлар ва тавсиялар берилган.

**КАЛИТ СЎЗЛАР:** гигиена, тишлар, милклар, тил.

**Оғиз бүшлиги гигиенасини ривожланиши.**

Бола туғилганидан бир неча ой ўтиб, сут тишлари чиқа бошлайди. Улар одатда 20 тани ташкил қиласиди. Доимий тишлар эса 6 ёшдан бошлаб чиқади, ақл тишлар эса 28 ёшгача чиқиши мумкин. Баъзиларда ақл тишлари чиқмаслиги ҳам мумкин. Замонавий стоматология 28 та тиш ҳам меъёрида ҳсобланади. Бола эсини танишни бошлиши билан ота-онаси тиш чўткаси ёрдамида ёки қўлда тишларини ювишини ўргатиши керак. Тишларга шаклланаётган пайтданоқ бўладиган эътибор жуда муҳим. Кунига икки маҳал эрталаб ва кечқурун, овқатлангандан кейин ювиш мақсадга мувофиқ. Аслида жуда оддий ва ажралмас кундалик эҳтиёжимизга айланиши керак бўлган бу қоидага амал қилмайдиган, тишларини фақат бир маҳал ювадиган ёки умуман ювмайдиганлар ҳам талайгина.

Айримлар бу қоидага нотўғри амал қиласиди. Нонуштадан олдин тишларини ювишади-да, шу билан кунини давом эттириб кетишади. Бунда овқат қолдиқлари кун давомида оғиз бүшлигига сақланиши мумкин.

Қуйида оғиз бүшлиги гигиенаси (гигиена- тозалик ва саломатликни сақлаш қоидалари) ҳақида асосий маълумотларни тақдим этаман.

**Оғиз бўшлиғи гигиенаси** — бу тишлар, милклар, тил ва оғиздаги бошқа тузилмаларни соғлом сақлашга қаратилган тадбирлар йиғиндиси. Бу афақат чиройли табассум, балки умумий саломатлик учун ҳам жуда муҳим.

### Тўғри гигиена қилиш учун тавсиялар:

1. Камида кунига 2 марта тиш ювиш (эрталаб ва кечқурун) тиш пастасида фтор бўлиши керак, тишни камида 2-3 дақиқа ювиш лозим.
2. Тиш ипидан фойдаланиш (кунига 1 марта) бу тишлар орасидаги озиқ-овқат қолдиқларини тозалайди
3. Оғиз чайиш воситаларидан фойдаланиш бактерияларни йўқ қиласди ва нафасни тоза сақлайди.
4. Тилни ҳам тозалаш лозим, тилда бактериялар жуда кўп жамланади.
5. Шакарли маҳсулотлар ва ширинликлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш улар кариесга сабаб бўлади.
6. Ҳар 6 ойда стоматолог кўригидан ўтиш эрта касалликларни аниқлаш имкони беради

### Нотўғри гигиенанинг оқибатлари:

Тиш чириш (кариес)

Милк яллиғланиши (гингивит)

Тишлар йўқотилиши

Ёмон нафас

Инфекциялар

**Оғиз нега ҳидланади?** Оғиз ҳидланиши (голитоз)дан кўпчилик қийналади.

Бунга биринчи тишларда мавжуд бўлган сарғиш ёки қора доғлар (тиш карашлари), тиш тошлари оғизнинг ҳидланишга бевосита таъсир қиласди. Тамаки воситалари, нос чекиши, тишарни овқат қолдиқларидан тозаламаслик тошлар ва карашларни пайдо қиласди. Яллиғланган милклар оғизнинг ҳидланишга моиллигини оширади.

**Оғиз бўшлиғини тишларга бевосита тасири.**

Милклари яллигланган беморда оғзидан ёқимсиз ҳид келишдан ташқари тиш ювиш вақтида тишиларнинг қонаши ҳам кузатилади. Агар даволанмаса, асорати атрофияга сабаб бўлади. Тишилар қимирилашни бошлайди ва астасекинлик билан тушиб кетади. Иккинчи сабаб мавжуд тиш коваклари. Вақтида даволанмаган ковакларда овқат қолдиқлари қолиб кетади ва ўша ерда ҳидланади. Учинчи сабаб тишиларга қўйилган протез в брикетлар. Ҳидланиш ушбу ортопедик мосламаларни қўйдирган одамлар гигиенага амал қилмаслигидан келиб чиқади. Истеъмол қилган таомимиз этарлича ҳазм бўлмаса, оғиз ҳидланишига олиб келади. Агар кимда ушбу касаллик аломатлари кузатиладиган бўлса, стоматолог кўригига кўриниши керак. Бешинчи сабаб оғиз бўшлиғида сўлак миқдорининг меъёридан камлиги. Қандли диабет, авитаминоз, ботулизм, нафас олиш касалликлари сўлак миқдорининг камайишига олиб келади. Ушбу миқдорнинг камлиги турли ёқимсиз ҳидларни пайдо қиласди. Олтинчи сабаб зарарли одатлар. Турли тамаки маҳсулотлари, нос чеканда, спиртли ичимликлар истеъмол қилганда оғиз ҳидланади. Аммо давомий ичиш ёки чекиш сурункали оғиз ҳидланишига олиб келади ва оддий ювиш, чайқаш ҳам таъсир этмай қолади. Бошқача айтганда, йиллар давомида юзага келган ҳидланишдан қутулиш учун яна шунча вақт кетади. Шунингдек, ОИТС касаллиги ҳам касаллик аломатларидан стоматит ҳам оғизда ёқимсиз ҳидларни келтириб чиқаради. Стоматит пайдо бўлганда нима қилиш керак? – Стоматитларга вирус, бактериялар сабаб бўлиши мумкин. Бундай пайтда этиологик ва симптоматик даво қўлланилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Каримов Ш.А., Жабборов Ш.Р.«Стоматология» дарслиги, Тошкент: Тиббиёт нашириёти, 2018.Ўзбекистон олий ўқув юртлари учун мўлжалланган асосий дарслик.
2. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ).Информационный бюллетең по здоровью полости рта, Всемирная организация здравоохранения, 2022 г.URL-

адрес:<https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/oral-health> Оғиз бүшлиги соғлиги ҳақидағи долзарб халқаро маълумотлар.

3. Френкен Дж. Э., Шарма П. И Стенхаус Л.«Базовый уход за полостью рта — подход ВОЗ» //Международный стоматологический журнал, 2019.Оғиз гигиены и замонавий ёндашувлар.
4. Иноятов Ф.Х., Тураев Т.Т.«Тиббиёт профилактика ва санитария гигиена асослари», Тошкент, 2020.Соғлиқни сақлаш ва гигиена бўйича умумий қоидалар.